

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**ДАВРОНОВ АТОБЕК РАВШАНОВИЧ**

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ  
ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Давронов Атобек Равшанович**

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назорати.....3

**Давронов Атобек Равшанович**

Прокурорский надзор за расследованием преступлений в сфере информационных технологий.....25

**Davronov Atobek Ravshanovich**

Prosecutor's supervision over the investigation of crimes in the field of information technology.....46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список использованной литературы  
List of published scientific works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

**ДАВРОНОВ АТОБЕК РАВШАНОВИЧ**

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ  
ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура.

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Yu251 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Бош прокуратура Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Астанов Истам Рустамович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маликова Гулчехра Рихсидхўжаевна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Абдурахмонхўжаев Жамолиддин Хусанхон ўғли**  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси**

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.I.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 ноябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (+99871) 202-04-96;

Диссертация автореферати 2021 йил 11 ноябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил 8 ноябрдаги 9-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Ф.Х. Сафаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юримдик фанлар номзоди

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари жадал ривожланаётган бир вақтда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар пайдо бўлди. 2019 йилги Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал хатарлар тўғрисидаги хисоботида кўра, маълумотлар ўзгартирилиши ва киберхужумлар ҳар бир ташкилот дуч келадиган тўртинчи ва бешинчи глобал хавф сифатида баҳоланди. Ушбу хатарлар аҳамияти жиҳатидан иқтисодий муаммоларга тенглаштирилди.<sup>1</sup> Хакерлик хужумлари туфайли дунё иқтисодиётига 2020 йилда бир триллион АҚШ долларидан кўпроқ зарар етказилди.<sup>2</sup> Ушбу ҳолатлар аниқланиши ва тергов қилиниши мураккаб бўлган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш сифатини оширишга хизмат қилувчи прокурор назоратини амалга оширишнинг энг самарали усуллари аниқлаш ва қўллаш эҳтиёжини юзага келтирди.

Жаҳонда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатлари, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишга оид қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилишни кучайтириш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини амалга оширишга оид мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаган ҳолда уни бартараф этиш, ушбу жиноятларни аниқлаш ва амалиётда юзага келадиган жиноятларни квалификация қилиш ва тергов қилишдаги мавжуд камчиликлар, яъни прокурор назоратини амалга оширишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаракатлар алгоритмини яратишни таъсирчан янги механизмларини жорий этиш зарурати вужудга келмоқда.

Республикамизда ҳам ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид қонунчиликдаги мавжуд бўлган бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, ушбу жиноятларнинг турларини бир-биридан фарқлаш, квалификация қилиш, тергов қилиш устидан назорат механизмлари ишлаб чиқиш ва алгоритмини шакллантириш, ушбу йўналишдаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг энг самарали усуллари ўрганиш, қўллаш ва доимий такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчилик ўсиб бормоқда, 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар сони 2016 йилга нисбатан 4,5 марта, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 17,25 марта, 2017 йилга нисбатан эса 4,31 марта ошган. 2020 йилда юз берган сўнгги воқеалар (COVID-19) ҳамда мамлакатимизда эълон қилинган карантин даврида ҳам мазкур жиноятлар сони ўсган, 2021 йилга келиб ушбу турдаги жиноятлар сони 2020 йилга нисбатан 3 бараварга ошган. Бу эса, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид

<sup>1</sup> World economic forum. The global risks report 2019 14th edition. P. 5 [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_Global\\_Risks\\_Report\\_2019.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_Global_Risks_Report_2019.pdf). Date of application: 19.05.2020.

<sup>2</sup> Global cybercrime damages predicted to reach \$6 trillion annually by 2021. <https://cybersecurityventures.com/cybercrime-damages-6-trillion-by-2021/>. Date of application: 19.05.2020.

конун ҳужжатларини инвентаризация қилиш, ушбу қилмишларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, айрим ривожланган мамлакатлар қонунчилигидаги ижобий жиҳатларни миллий қонунчиликка имплементация қилинишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Прокуратура тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017 йил), “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017 йил), “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017 йил), “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил), 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги (2021 йил) Фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқотнинг назарий асослари: Б.Х.Пўлатов, М.Х.Рустамбаев, Р.К.Кабулов, Э.С.Абдурахманов, А.И.Усманов, М.М.Арипов, Ф.А.Кабилжанова, З.Х.Идашев, И.М.Каримов, А.К.Расулев, Ф.М.Мухитдинов, О.Мамазияев, А.Ж.Давлетов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Мамлакатимизда жиноятлар тергови устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг назарий жиҳатлари Б.Х.Пўлатов, З.С.Ибрагимов, О.М.Мадалиев, У.А.Тўхташева, И.Р.Астанов, Б.З.Каримов, А.Б.Комилов, Б.Б.Исмоилов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатлар олимлари Д.А.Ястребов, Л.Черняк, С.С.Медведев, Р.И.Дашян, М.С.Дремлюга, У.В.Зинина, В.А.Минаев, В.Н.Саблин, Б.П.Саушкин, В.Трофимов, О.Ильина, Е.Трофимова, В.М.Коновалов, В.А.Мазуров, А.Greenberg, P.Vigna, M.Casey, Eric Mask, J.Pagliery, D.B.Catherine илмий ишларида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишга оид масалалар тадқиқ қилинган.

Мазкур диссертацияда эса ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назорати тушунчаси, ушбу институтни юзага келиш тарихи, унинг юридик табиати, прокурорнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишни назорат қилиш жараёнида йўл кўяётган хатолар, ушбу хато ва камчиликларни аниқлашга қаратилган ҳаракатлар, айрим хорижий мамлакатларда ушбу йўналишдаги мавжуд қонунчилик ва амалиёт, ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид қонунчилик ҳамда ундаги мавжуд муаммолар, уларни батараф этиш, янги тартиб, қоидаларни ишлаб чиқаришга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид илмий ва амалий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назорати хусусиятларини очиб бериш, прокурор назоратига оид мавжуд қонунчилик ва амалиётни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид қонунчилик ва амалиётда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни батараф этиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича тергов органларининг ҳаракатлари қонунийлигини текшириш механизмини такомиллаштириш;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишни назорат қилишнинг ташкилий жиҳатларини изоҳлаш, амалдаги ҳолатни таҳлил қилиш, ушбу йўналишни ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

терговга қадар текшириш босқичида ахборот технологиялари соҳасидаги қонунбузарликлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш устидан прокурор назоратини ташкил қилиш тартибини тизимлаштириш;

хорижий мамлакатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини тартибга солишга оид қонунчилик ва амалиётни ўрганиш;

рақамлаштириш даврида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини амалга оширишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган услубий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, аниқ социологик, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили, индукция, дедукция каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

прокурорнинг тергов фаолияти устидан назорат қилиш ваколатига терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар фаолиятини назорат қилиш, айблов далолатномасини тасдиқлаб ишни судга юбориши, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳақида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида, мурдани эксгумация қилиш ҳақида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисида судга илтимоснома киритиши ёки илтимосномага розилик бериши, жиноят ишини суриштирув органидан терговчига, прокуратуранинг бир терговчисидан бошқасига ўтказиш кириши лозимлиги асослаб берилган;

прокурорнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини амалга ошириш жараёнида текшириш тартиби, тактикаси, эътибор қаратиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги акс этган фаолият алгоритми ишлаб чиқилган;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши далилни мустаҳкамлаш жараёнини самарадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган;

гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари видеоконференцалоқа режимида техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши ишнинг самарадорлигини, тезкорлигини таъминлашга хизмат қилиши исботлаб берилган;

электрон манбалар ва электрон (рақамли) далил тушунчасини қонунчиликка киритиш лозимлиги ва далилларни баҳолашда ва ҳаракатларни

расмийлаштиришда ушбу тушунчалардан ҳам фойдаланиш лозимлиги асослангилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назорати самарадорлигини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан назорат қилишга ихтисослашган Ахборот технологиялари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармасини ташкил этиш таклиф қилинган ва тегишли буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилган;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан терговга қадар текширув ўтказишни осонлаштирувчи ва ушбу ҳаракатларни тизимли ўтказишга ёрдам берувчи терговга қадар текшириш режасини намунавий модели ишлаб чиқилган;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини назарда тутувчи алгоритм яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган айрим давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, (100 дан ортиқ терговчи, суриштирувчилар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилган), статистик маълумотлар, ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларга оид 50 дан ортиқ тергов ва суд органлари жиноят ишлари ҳужжатлари ўрганилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, монография чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги хулоса ва тавсиялардан ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид назарий тушунчаларни бойитишга, назорат жараёнини тизимлаштиришни такомиллаштиришга, прокурор назорати ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш илмий асосларини ривожлантиришга хизмат қилади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатлари ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратига оид янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратида суриштирувчи ва терговчилар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлаб олиш, прокурор назорати жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш имкониятини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор

назоратини такомиллаштириш бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар фаолиятини ҳам назорат қилиши лозимлигига доир таклифларидан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 10 майдаги 06/1-05/2376-сонли далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурорнинг ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилган;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини таъминлаш алгоритми акс этган услубидан прокуратура тизими ходимлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар акс этган ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2021 йил 1 июндаги №30/8-21-1079-сон далолатномаси). Ушбу услубидан жорий этилиши прокуратура органларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини ташкил қилиш, амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри шакллантириш жараёнини тизимлаштиришга ҳисса қўшган;

ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тарзидаги, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланиб, қайд этилиши шартлигига оид таклифдан “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2018 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2-моддаси 5-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қўмитасининг 2020 йил 5 октябрдаги 06-13/1947-сонли даълолатномаси). Ушбу таклиф орқали ўта оғир жиноятлар бўйича ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг қонунийлигини асослаш тизимини янада мустаҳкамлаш имконини берган;

гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкинлиги тўғрисидаги

таклифлардан “�збекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 9-моддаси 1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 5-сонли даълолатномаси). Ушбу таклиф ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тергов ҳаракатларини тезкор, тўсиқларсиз амалга ошириш имкониятини кенгайтириш имконини берган;

далиллар ва уларнинг турларига электрон (рақамли) далилларни киритиш, далилларни тўплаш тартибига электрон (рақамли) ҳужжат шаклидаги маълумотларни киритиш, текшириш объектлари жумласига электрон маълумотларни киритишга оид таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 14.01.2021 йилдаги №27/19-10/21-сонли маълумотномаси) Ушбу таклиф орқали прокурорнинг электрон далиллар билан ишлаш тизими тартибга солинишига ҳисса қўшган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш кафедрасида, шунингдек 2 та халқаро ва 7 та республика илмий ва амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан 2 та монография (1 таси ҳаммуаллифликда), 11 та мақола эса Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда (6 та республика 5 та хорижий), 9 тўпламларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, тўққиз параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми (адабиётлар рўйхатисиз) 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг “**Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари**” деб номланган биринчи бобда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи таҳлил қилинган. Тадқиқотда 1992 йил 9 декабрдаги ҳамда 2001 йил 29 августдаги прокуратура тўғрисидаги қонунлар таҳлил қилинган.

Илмий ишда бир қатор хорижий мамлакатлар жумладан, АҚШ, Швеция, Буюк Британия каби давлатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни пайдо бўлиши, уларни тартибга солувчи қонунчилик таҳлил қилинган.

Ушбу бобда муаллиф ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурорнинг назорати вужудга келиш тарихи ва ривожланиш тенденциясини шартли равишда уч босқичга бўлган.

Биринчи босқич 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган пайтдан бошлаб 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қабул қилинишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич 1994 йилдан 2007 йилгача бўлган даврни камраб олиб, ўз ичига ахборотлаштириш қоидаларини бузганлик, ўғирлик, фирибгарлик жиноятларини компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкани талон-торож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, шунингдек “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган босқични камраб олади.

Учинчи босқич 2007 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб, ушбу ахборот-технологиялари даврида мазкурсоҳасидаги муносабатларни жиноят қонунчилиги доирасида тартибга солиш механизмини яратиш ва такомиллаштириш жараёнларини камраб олади.

Ишда А.В.Акчурин, С.В.Легостев, И.Р.Закирова, С.Л.Алексеева, Н.Р.Вотчелья, М.Б.Кабанова, О.М.Мадалиевалар, Б.И.Исмоилов, Б.Х.Пулатов ва бошқа бир қатор олимларнинг прокурор назорати тушунчасини изоҳлашга оид фикрлари изоҳланган.

Тадқиқотчи прокурор назорати тушунчасига таъриф бериб, бу қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига оид қонун бузилишларининг ўз вақтида олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган давлат фаолиятининг тури эканлигини изоҳлаган.

Муаллиф ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назорати тизимини ташкил қилувчи белгилар куйидагилардан иборат бўлиши мумкинлиги изоҳлаган: биринчидан, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назорати ахборот технологиялари соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган прокуратура органининг махсус фаолияти эканлиги; иккинчидан, ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари томонидан амалга оширилиши; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунларга мувофиқлиги ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширишда намоён бўлиши; тўртинчидан, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратининг мақсади қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатлиги.

Тадқиқотчи ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назорати тушунчасига изоҳ бериб унга куйидаги муаллифлик таърифини берган яъни бу қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишга оид қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига оид қонун бузилишларининг ўз вақтида олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш, ахборот технологиялар соҳасида махсус билимлар талаб этадиган прокуратура органларининг махсус фаолиятидир.

Муаллиф 50 дан ортиқ жиноят ишларини ўрганиб, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб, халқаро трафикнинг ноқонуний (рухсатсиз) узатилиши маълум бир уяли алоқа компаниясининг халқаро трафигини маҳаллий компанияга алмаштиришни англатиши, бу хорижий VoIP кўнғироқни маҳаллий GSM тармоғига (шлюз орқали) йўналтиришдан иборат деган хулосага келган. Кўнғироқ маҳаллий кўнғироқ сифатида амалга оширилиб, нархлар фарқланишидан жиноят ишларини очишда фойдаланиш имкони мавжудлиги таъкидлаб ўтган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини ташкил қилишнинг ўзига хос жиҳатлари**” деб номланган бўлиб, унда прокуратура органларининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республика Конституцияси прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил қилиши, прокурор назорати прокуратура фаолиятининг турли соҳаларида амалга оширилиб, ўзига хос тактика ва услубларга эгаллиги, улар асосан прокуратура ваколатларида акс эттирилиши баён қилинган.

Диссертацияда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратни амалга оширишга ваколатли прокурорлар фаолиятини баҳолаш учун аниқ ишлаб чиқилган мезонларнинг йўқлиги қайд этилган. Сўнгги пайтгача ахборот технологиялари соҳасида тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлиги устидан прокурор назорати предмети ва ҳажми масаласи очиклигича қолаётганлиги асосланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосан, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг фаолияти устидан прокурор назоратини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборатлиги изоҳланган. Шу билан бирга айнан кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасида прокурорларнинг ваколатлари белгиланмаганлиги таъкидланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг ягона электрон тизимида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 7-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизликни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланиши ҳамда ўз ваколати доирасида киберхавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиши белгиланганлиги алоҳида таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрича, бундай таърифни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мослаштириш лозим эканлиги, чунки Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши эътироф этилган. Бундан ташқари, Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ваколатига бағишланган алоҳида модда ёки боб йўқлиги изоҳланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчидан, киберхавфсизлик соҳасидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилишини белгилаш зарурлиги, иккинчидан, киберхавфсизлик соҳасида ваколатли орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланиши лозимлиги асослантирилган.

Учинчидан, лойиҳада киберхавфсизлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ваколатлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозимлиги ғояси илгари сурилган:

муҳим хавфсизлик инфратузилмасини ўз ичига олган киберхавфсизликнинг ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базасини

такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш;

киберхавфсизликка оид стандартлар, қоидаларни ишлаб чиқиш;

киберхавфсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш;

давлат идоралари ва ташкилотларида киберхавфсизлик соҳасидаги ишларини, шунингдек ахборот инфратузилмаси субъектларининг ахборот инфратузилмаси объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларни олдини олиш жараёнини мувофиқлаштиради ва киберхавфсизлик ҳодисаларига қарши тегишли чораларни кўриш;

ахборот инфратузилмасининг муҳим объектлари реестрини тузиш, шунингдек, унинг сақланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларига кўрсатмалар бериш ва уларни таъминлаш чораларини кўриш.

Бундан ташқари тадқиқотда айрим хорижий давлатларнинг прокуратура органлари фаолиятига оид тажрибасини оладиган бўлсак, масалан, Жанубий Корея прокуратурасида кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича алоҳида бошқарма мавжуд бўлиб, у ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш ва назорат қилиш билан шуғулланиши изоҳланган.

Диссертантнинг таъкидлашича, прокурорнинг терговга қадар текшириш босқичидаги иштироки жиноят ишини очиш учун асосларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида жиноятлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва текшириш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишдан иборатлиги, терговга қадар текширишни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят бўйича барча сабаблар ва асослар етарли бўлган ҳолларда жиноят иши кўзғатиши лозимлиги ва ушбу ҳолатни таъминлаш учун амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини изоҳланган.

Диссертант терговга қадар текширув амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида қатъий белгиланган муддатлар билан чегараланганлиги боис, уни амалга ошириш бўйича тадқиқотчи илгари сурган режани тузиш мақсадга мувофиқлиги ва ушбу ҳолатни ва шаклни алоҳида нормада акс эттириш кераклиги ва прокурор томонидан назорат қилиниш тартиби алгоритмини ишлаб чиқиш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи ҳар бир прокурор ахборот технологиялари соҳасида муайян махсус билимларга эга шахс билимларидан ўринли фойдаланилганлигини назорат қилиш лозимлигини таъкидлаган. Аммо тажрибали фойдаланувчи кўникмаларининг, дастурлашда тизимлаштириш билимларининг мавжуд эмаслиги шахсни мутахассис сифатида жалб қилиш имкониятларини чегаралашни изоҳланган. Бироқ компьютер технологиялари соҳасида маълум билимларга эга бўлган шахслар ҳолислар сифатида жиноят ишида иштирок этишлари мақсадга мувофиқлиги, бунда экспертиза жараёнида компьютер

ускуналарини қўллаш ҳолати ҳамда экспертнинг индивидуал ҳаракатларини тўғри англаш ва уларнинг ҳаракатлари кетма-кетлигини тушуниш имкониятини бериши таҳлил қилинган.

Шахсларни холис сифатида жалб қилишда юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларга қарамай, муайян характеристикаларга асосланган ҳолда холис танлаш муҳим аҳамият касб этади, бинобарин холис жараёни тўла тушунмаслиги ҳолати билан тўпланган далиллар суд томонидан номақбул деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.

Диссертацияда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида прокурор томонидан назорат қилиш жараёни таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан компьютер воситасида жиноятларни содир этиш турли ёшдаги шасхлар томонидан содир этилиши мумкинлиги, унда жиноятчилар ёши 10 ёшдан 60 ёшгача ва уларнинг тайёргарлик даражаси бошланғичдан тортиб то профессионалгача бўлиши мумкинлиги аниқланган. Шу сабабли, аксарият ҳолатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноят содир этганлар ахборот технологиялари соҳасида ноёб қобилият ва истеъдодга эга бўлган профессионал жиноятчилар эмас, балки оддий инсонлардан ташкил топиши асослантирилди. Ҳар қандай ёшдаги компьютер соҳасида минимал билимга эга бўлган, муайян соҳага оид муаммоларни ҳал қилишга, фойда олишга, шухрат қозонишга ёки жамиятда, атрофдагилар томонидан тан олинishiга интилан шахс ахборот технологиялари соҳасида потенциал жиноятчи бўлиши мумкинлиги асослантирилган.

Муаллиф электрон далилларни тадқиқ этиш билан боғлиқ ҳаракатларни тегишли соҳа мутахассиси томонидан амалга оширилиши, масалан сайтни ўрганиш, скриншотларни яратиш ва сақлашни ёки суриштирувчи ёки терговчи тегишли мутахассис ва холислар иштирокида амалга оширилиши кераклигини таъкидлайди. Электрон далилларни тўғри тўплаш ва баҳолаш учун махсус компьютер техникаси, шунингдек, ушбу соҳада махсус билимларга эга бўлган шахслар талаб қилиниши асослантирилган. Ушбу жараёнлар мазкур ҳаракатларни назорат қилиш жараёнида алоҳида текширилади.

Ҳозиргача қонунчилигимизда Жиноят-процессуал кодексига электрон далиллар тушунчаси, уларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш масаласи очиқлигича турганлиги, бинобарин, кўпгина мамлакатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларда электрон далиллар ҳисобга олинishi изохланган.

Далилларнинг бир тури сифатида электрон далиллар АҚШ, Жанубий Корея, Германия, БАА ва Буюк Британия каби мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунларида мавжудлиги маълум қилинган.

Учинчи бобда **“Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш устидан прокурор назоратини ташкил қилишни такомиллаштириш масалалари”** деб номланиб, унда ушбу йўналишларда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш йўллари таҳлил қилинган.

Диссертацияда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назорати билан боғлиқ муаммолар изоҳланган.

Диссертация иши доирасида тадқиқотчи ўз фикрларини изоҳлашда олинган статистик маълумотларга таянган. Статистик маълумотларга кўра, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчилик ўсиб бормоқда, 2017 йилда ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар сони 2016 йилга нисбатан 4,5 марта, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 17,25 марта, 2017 йилга нисбатан эса 4,31 марта ошган. 2020 йилда юз берган сўнгги воқеалар (COVID-19) ҳамда мамлакатимизда эълон қилинган карантин даврида ҳам мазкур жиноятлар сони ўсган, 2021 йилга келиб ушбу турдаги жиноятлар сони 2020 йилга нисбатан 3 бараварга ошганлиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга оид моддаларига оид 50 га яқин жиноят иши кўриб чиқиляётганда, судга юборилган бир қатор жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов давомида айбдор шахслар ҳаракатларини квалификация қилишда хатоларга йўл қўйилганлиги ва кейинчалик давлат айбловини қўллаб қувватланиш жараёнида ҳам ушбу хатолар бартараф этилмаганлиги аниқланган.

Тақиқотчи компьютер ахборотини модификациялаштириш жиноятини квалификация қилишдаги энг кенг тарқалган хато (Жиноят кодексининг 278<sup>4</sup>-моддаси) ушбу тушунчани айбдор шахс томонидан қонуний компьютердан фойдаланувчининг қасддан ишлаш вақти ва режимига оид назорат техник маълумотларини ўзгартирганлиги дея англашилганида деб ҳисоблаган.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар бўйича шахснинг айбини кўрсатадиган далилларнинг энг муҳим ва ягона манбаи сифатида компьютер техникасини сифатли текшириш масаласи долзарблигини сақлаб қолаётганлиги изоҳлаб берилган. Аксарият ҳолларда мазкур жараён терговчилар эмас, балки мутахассислар томонидан амалга оширилиши изоҳланган.

Интернет-ресурсни кўздан кечиришни профессионал тарзда расмийлаштириш, шунингдек, маълумотларни олиб қўйиш тартибини белгилаш масаласи энг долзарб муаммо ҳисобланиши ифодаланган. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида бундай ресурсларни текшириш жараёнини тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги таҳлил қилинган.

Диссертант халқаро топшириқ доирасида “дарахтсимон” тарздаги маълумот олиш имкони борлигини исботлаган. Масалан, фақат битта электрон ҳамённи биладиган ташаббускор битта буюртма доирасида нафақат ушбу ҳамён ҳақида, балки маълум бўлган ҳамённинг контрагентлари ва пудратчилари тўғрисида ҳали ҳам номаълум бўлган маълумотларни сўраши мумкинлиги изоҳланган. Бунда топшириқни ижро этувчи шахс тегишли мамлакат қонунчилиги доирасида топшириқда келтирилган сўров асосида, лозим бўлганда тегишли қарорларни ўзи қабул қилади ёки тегишли қарорлар чиқаришга санкция бериши таҳлил қилинган. Ушбу ҳолат прокурор

назоратини амалга оширишини осонлаштиришга ҳам хизмат қилиши асослаб берилган.

Муаммолар таҳлили асосида муаллиф ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган ташкилий ва амалий тадбирлар доирасида қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш керак, деган хулосага келган:

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишга ихтисослашган ходимларнинг касбий савиясини янада ошириш;

ихтисослашган бўлинмаларнинг кадрлар захирасини, биринчи навбатда, тергов гуруҳларига илгари жалб қилинган терговчилардан шакллантириш.

Тадқиқот доирасида Бирлашган Араб Амирликлари, Германия Федератив Республикаси, Хитой, Испания, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси каби мамлакатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан прокурор назорати амалиёти таҳлил қилинган. Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилганда, кўплаб ривожланган мамлакатларда прокуратура органларида махсус идоралар, бошқармалар, марказлар ва бўлимлар фаолият кўрсатаётганлиги изоҳланган.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида бундай тармоқ мавжуд бўлмасида, аммо ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш ва назорат қилиш учун барча зарур моддий-техник имкониятларга эга бўлган 23-бошқарма мавжуд, деган хулосага келинган. Шунга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги бошқармани ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деган таклиф илгари сурилган.

Шунда бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши асослаб берилган:

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Бош прокуратура иш режалари ва ҳайъат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқлари, фармойиш ва кўрсатмаларининг қатъий бажарилишини таъминлаш;

қуйи турувчи прокурорларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, услубий ва амалий қўллаб-қувватлаш;

ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилиниши устидан қонунийлик ҳолати ва прокурор назорати амалиётини тизимли таҳлилинини ўтказиш, шунингдек, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг сабабини бартараф этиш чораларини кўриш;

жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларнинг ўз вақтида рўйхатга олинishi ва ҳал этилиши, тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширишлар, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тергов қилинишини назорат қилиш;

